

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган



ЮРТИМИЗДА СОЗ ЧАЛАР НАВРЎЗИ ОЛАМ...

21 МАРТ КҮНИ ТОШКЕНТДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ МАЙДОНИДА НАВРЎЗ ТАНТАНАЛАРИ БОШЛАНДИ



Дунёда неки фазилат, неки яхши хислат бор — бари-ни Наврўзга сифат бериб, оранчи кутган онларимиз етиб келди! Истиқлолга эришган озоқ Ватанимиз пойтахти Тошкентнинг халқлар дўстлиги майдонида Наврўз тантаналарига оқ фотиҳа бериб, оқ йўл тилашнинг ҳам рамзий маъноси, ҳақиқати бор. Зотан, кўнгиш билан йўғрилган Ўзбекистон заминидан юздан ортқ миллат вакиллари ел-нама-елна туриб, истиқлол-мизни мустақамлаш йўлидан порлоқ истиқбол сари дадил одимламоқда. Халқлар дўстлиги майдонидаги тантаналарда юртимиз меҳнат аҳли тинчлик ва тотувликни нечоғли ардоқлаётгани, азалий анъаналари, урф-одатларини янги мазмун билан бойитиб, асраб-авайлаб келаётгани яна бир бор намоён бўлди.

Халқлар дўстлиги, Фуркат кўчалари билан Ўзбекистон шоҳкўчаси кесниган жойдаги улкан майдон бена-

зир кўрпа ва салобати ила кишини хайратга солади. Бугун у байрамона безатилган. Турфа рангли байроқлар, санъаткор қизлар кийган сержило мидлэй ли-бослар уйғунлашиб, мисли чаманзорга айланган. Ай-ниқса, Хадра томондан на-зар ташланган, майдон тў-рида қад ростлаган бино бағрини очиб, меҳмонларни чорлаётгандек туюлади.

Кошона пойда, мармар зинапойлардан тушавериш-да чорпойлар ўрнатилган. Баҳмал кўрпачалар ёзилиб, неча-неча Наврўзларни қар-шилаган отахонлар парестик-ларга суяниб, савлат тўки-б ўтирибди. Рузан Рамазон сабабли хонтахталар бугдўй майсалари, баҳор чечакла-ри, лолалар билангина бе-затилган.

Соат миллари 11 ни кўр-сати. Халқлар дўстлиги саройининг ойнаванд экин-лари очилиб, Ўзбекистон Президенти Исроҳ Каримов, республика Олий Кенгаши-нинг Раис Шавкат Ўлдо-шев, Бош вазир Абдулхо-шим Муталов, республика Вазирлар Маҳкамаси Ра-исининг биринчи ўринбосари Исмоил Ўйрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими Аҳмад Фо-зилбеков ва бошқа расмий ки-шилар чўкиб келади. Исроҳ Каримов ота-

хонлар ҳузурига йўл олади. Юртбошимиз пойтахт маҳал-лалари оқсоқолларини, улар сиймосида тошкентликларини, бутун республика аҳлини Наврўз айёми билан мубо-ракбод этади. Яққасарой ту-мани маҳалла кўмиталари ра-ислари вакили, Ўзбеки-стон халқ артисти Ориф ҳожи Алмиҳасумов сўз ола-ди. У муштақиллик шарофа-ти билан асрлар сиёҳидан ўтган урф-одатларимиз тик-ланаётгани, парвардигори оламнинг муруввати боис рушониликка чиққанамиз учун шукрона айтиб, эл-улусни мустақиллигининг ма-шққатли йўлидан дадил бошлаб бораётган давлати-миз акс этган томошалар йиғилганларда унутилмас таассурот қолдири. Шу лаҳзаларда майдонга назар ташланганда, ўзининг фас-ли баҳор оғушида, раққосу раққослар, хонандаю со-зандалар даврасида — халқ ижодиётининг битмас-туган-мас чашмаси қошида тур-гандек ҳис этасиз.

Халқлар дўстлиги май-донининг ҳар икки томонига Тошкент туманларининг савдо расталари ўрнатил-ган. Тахтастулалар бадий ҳаваскорлар ихтиёрига бе-риб қўйилган. Байрамнинг асосий тантаналари сарой пойдаги сахнада кечса-да, бу ердан жамоалар ҳам байрам руҳини янада бой-тишга ҳизмат қилмоқда.

Ҳар бир миллатнинг ке-лажаги у тарбиялаб, воғна етказиб турган фарзандларига боғлиқ. Бизнинг ҳур Ўзе-бекистонимизда одобли, исте-додли, қуввоқ болалар шу қадар кўп экан. Президенти-миз таъкидлагандек, унинг келажаги порлоқ бўлади. Болалар боғчаларида тар-бияланаётган кичкинтой-ларнинг чиқишлари, «Ча-ман», «Кўеб» каби болалар жамоаларининг камалдек товланувчи рақсларини қув-ноқ қўшиқларини шушдан да-рак беради. Қолаверса, рес-публика Президентининг маж-лиси қизалоқларини меҳр билан қўлига олиб, эркала-гани ҳам бекиз эмас.

...Хўжа Насриддин бошчи-лигида мажарабозлар жар солиб, халқни сайилга чорлайди.

«Мархабо, Наврўз» во-каль-рақс сўнотиси янги кун—янги йилга бағишлан-ган қасидага айланган бўлса,

байроқ тутган тўғдорлар орасидан ҳарир либос кий-ган «Баҳор» қизлари чиқиб келади. Улкан майдон узра Муҳаммаджон Мирзаевнинг машҳур «Баҳор» балси ян-гайди.

Республикамизнинг маш-ҳур санъаткорлари ҳамда пойтахтимиз туманларида фаолият кўрсатаётган ба-дий ҳаваскорлик жамола-ри тайёрлаган «Наврўз-гуллари» вокаль-рақс ком-позицияси, барча вилоятлар-дан келган фольклор-этно-график гуруҳлар намоён қи-лган халқ кўшиқ ва рақс-лари, сумалак пишириш, келинсалом каби удувлари-миз акс этган томошалар йиғилганларда унутилмас таассурот қолдири. Шу лаҳзаларда майдонга назар ташланганда, ўзининг фас-ли баҳор оғушида, раққосу раққослар, хонандаю со-зандалар даврасида — халқ ижодиётининг битмас-туган-мас чашмаси қошида тур-гандек ҳис этасиз.

Халқлар дўстлиги май-донининг ҳар икки томонига Тошкент туманларининг савдо расталари ўрнатил-ган. Тахтастулалар бадий ҳаваскорлар ихтиёрига бе-риб қўйилган. Байрамнинг асосий тантаналари сарой пойдаги сахнада кечса-да, бу ердан жамоалар ҳам байрам руҳини янада бой-тишга ҳизмат қилмоқда.

Ҳар бир миллатнинг ке-лажаги у тарбиялаб, воғна етказиб турган фарзандларига боғлиқ. Бизнинг ҳур Ўзе-бекистонимизда одобли, исте-додли, қуввоқ болалар шу қадар кўп экан. Президенти-миз таъкидлагандек, унинг келажаги порлоқ бўлади. Болалар боғчаларида тар-бияланаётган кичкинтой-ларнинг чиқишлари, «Ча-ман», «Кўеб» каби болалар жамоаларининг камалдек товланувчи рақсларини қув-ноқ қўшиқларини шушдан да-рак беради. Қолаверса, рес-публика Президентининг маж-лиси қизалоқларини меҳр билан қўлига олиб, эркала-гани ҳам бекиз эмас.

...Хўжа Насриддин бошчи-лигида мажарабозлар жар солиб, халқни сайилга чорлайди.

«Мархабо, Наврўз» во-каль-рақс сўнотиси янги кун—янги йилга бағишлан-ган қасидага айланган бўлса,

компазиор Р. Абдуллаев-нинг байрам муносабати би-лан басталаган «Наврўз мадҳияси» вокаль-рақс сў-нотиси кўнгилабга ўзгача ҳузур бағишлади.

Халқлар дўстлиги майдо-нида бошланган байрам тантаналари ағим Тошкент-нинг истироҳат боғлари, хиёбонлари, маҳаллаларини гузарлари оша диёримиз бўй-лаб зўр қуввоқ ва шодлик ила одимлайди...

...Ўзбекистон миллий бо-ғи. Сайхонлида қодирлар тикилган. Суват-қалон тақ-қан лашкар ҳазил-мутоба қилиб ҳордиқ чиқармоқда. Ойлар қантариб қўйилган. Катта қозонда ош дамлан-ган, чой қайнаб турибди. Янган жадал, юрш тўхта-тилган. Зотан, бутун Наврўз... Республика санъат институтининг декани М. Убайдуллаев саҳналаш-тирган бу тарихий кўриниш-да XIV—XVI асрлардаги воқеаларни жоилантиришга ҳаракат қилинган...

Фавворалар отилиб турган боғнинг кўркам гўшалари Тошкентда фаолият кўрса-таётган қозоқ, туркман, то-жик, уйғур, қорейс, озар-бойжон, бошқирд, татар ма-даний марказлари ихтиё-рига бериб қўйилган. Турли миллат вакиллари бу ерда ўз анъаналари, урф-одатла-ри, пазадалик маҳорати ва санъатини намоён эт-моқдалар.

Ҳазрати Навоий боғ тў-ридаги тепаликдан назар ташлаб, «иншооллох, яна баҳор онларига етишдик» дея шукроналик келтирив-гандек, сайил иштирокчи-ларига қарата «Ҳар тунинг қадр улубон, ҳар кунинг ўл-сун наврўз» деб тилан йи-дираётгандек туюлади. Бай-рам қатнашчилари, ҳорижий меҳмонлар болаларининг вар-рак ва кабутар учирини мусо-бақаларини қизиқиб томоша қилдилар. Халқ сайли то-кечгача давом этди.

Ўзбекистон пойтахтининг Мустақиллик маркази май-донда Наврўз кун эрта тондаюқ болаларнинг шўх кўтуғуси янгилади. Кичкин-тойлар ва ота-оналарининг оқик чехралари майдоннинг байрам безагига ҳамоҳанг эди. Мустақиллик обида-сининг икки тарафига жой-

лаштирилган рангдор расм ва шпорлар, савдо раста-ларининг локувард гўмбазла-ри, пайдар-пай отилиб тур-ган фавворалар байрам кай-фиятига монанд.

Эрталаб соат 11 бўлиши биланоқ майдон узра верто-лётлар пайдо бўлиб, само-ни ранг-баранг парашютлар тутиб кетди. Спортчилар ос-монда кетма-кет мураккаб машқлаб бажариб, майдон-нинг қоқ ўртасига тушиш-ди. Республика ва шаҳар қаратә федерациялари тай-ёрлаган ўғил ва қиз бола-ларнинг намунали чиқиши ҳам қизиқарли бўлди.

Хадра... қанчадан-қанча тарихий воқеалар гувоҳи бўлган, Абдулла Қодир, Аб-рор Ҳидоят, Шуккур Бурхонов сингари машҳур адаблару ўлмас санъаткор-ларнинг қутлуг қадами тек-нан майдон!

Бу ерда байрам танта-налари ярим тундаёқ бош-ланиб кетди, десак мубола-ға бўлмайди. Майдоннинг тўрт бурчага дошқозонлар осилиб, Наврўз кўрки — ҳа-лим, сумалак тайёрланиб, ош дамланди. Катта само-варларга ўт ташланди. Со-санқосиз ранг-баранг бай-роқчалар кўнам нафасидан ҳиллиради, шўх фаввора-лар шовуллаб меҳмонларни чорлайди.

Мен Тошкент тумани-нинг Гисс Умаров номидаги хўжалиқдан келдим, — дейди Манзура ая Нуридди-нова. — 20 йил пилла бо-дим. Ҳозир қарилки гапши-ни суртмай. Ўтган йили пойтахтдаги тантаналарни «анзор» экран» орқали кўриб ҳавас қилган эдим. Минг шукрки, бу йилги тантанала ҳамсолларим би-лан қатнашамиз. Муста-қил юртининг Наврўз кекса-ларини ҳам ёшартириб юбор-ди...

Наврўзга бағишланган тантаналар республикамиз-нинг барча шаҳар ва ки-шоларда ҳам зўр шоду-хуррамлик билан ўтапти.

Репортжани У.А. мўзир-лар Р. АБДУЛЛАЕВ, А. МАД ҲУЖА, Г. БОТИРБЕКОВ, И. ГРЕБЕННИКОВ, А. ИВАНОВ, Б. МАНСУРОВ, П. НИ-ШОНОВ, Л. СТРУНИКОВА олиб борди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУГАНИЕВИЧ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари!

Америка халқи, номидан Сизни ва Ўзбекистоннинг барча фуқаросини улуғ айём—Наврўз билан муборакбод этаман. Янги йил Ўзбек халқига яна шунинг учун ҳам гуллаб-яшнаш, яшарини фаслдорки. Сиз бу улуғ айём-ни иккинчи марта мустақил давлат сифатида байрам қи-лаётсиз. Америка Қўшма Штатлари истиқлолнингиз, мустақиллигиниз ҳамда ҳақиқий демократия, эркин бозор иқтисодиёти йўлидаги саъй-ҳаракатларингизни тўла қўй-лаб қувватлайди. Оғир сиёсатлар қийинчиликларга дуч келаятганингизни биламиз, эзгу ниятларингиз йиқоёт топили йўлида сизлар билан ҳамкорлик қилганимиз деган умиддамиз.

Янги йил Сизга ва Ўзбекистоннинг барча фуқаросига тинчлик ва рағнақ бахш этсин.

Эдтиром ила,
Билл Д. Клинтон,
Америка Қўшма Штатлари Президенти.

Вашингтон.

ДОН ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари
И. Жўрабековнинг 1993 йил 19 мартда республика
ғаллакорлари кенгашида сўзлаган нутқи

Хурматли ғаллакорлар! Бунда кенгаш Ўзбекистон ҳукуматининг қарори билан биринчи марта ўтказилмапти. Бунинг сабабини сизлар ях-ши биласизлар. Халқимизни дон билан таъминлаш асосий муаммолардан бири бўлиб турибди. Биз озик-овқат маҳ-сулотларини сотиб олишга катта миқдорда валюта сарф-лашга мажбур бўлаёмиш.

Шуни айтиш керакки, дон етиштиришни кўпайтириш ва давлат ресурсларини тўлди-риш бўйича ўз имкониятларини-миздан мутлақо қониқарсиз фойдаланишмоқда.

Кўпчилик раҳбарлар ва му-тахассислар дон экинларига бефарқ қараётдилар, давлат

манфатларини қўлаб иш олиб бормайтирлар. Натжи-да дон ҳўжалиқлари ўз ҳо-лига ташлаб қўйилган. Бунинг оқибатида дон экинлари учун ажратилган ер-лардан қониқарсиз фойдела-нилмапти.

Ўтган йили қолхозлар, сов-хозлар ва бошқа ҳўжалиқлар-да 1 миллион 138 минг гек-тар майдонга ғалле экилди. Улардан 76 минг гектари дон учун мақсадаб ўрнатилган. 176 минг гектари шол майдонлари-ни ташкил этиди. Бундан таш-қари қолхозчилар ва совхоз ишчиларининг томоққа хў-жалиқларида салкам 69 минг гектар ерга дон экинлари экилди.

(Давоси 3-бетда).

РЕСПУБЛИКА АГРОСНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЧОРВАЧИЛИК МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАШИ ОЛДИДАН

Аҳолини гўшт, сўт, тухум ва бошқа чорва маҳсулот-лари билан таъминлаш масаласи соҳа ходимлари зим-масига катта масъулият юклайди. Мақсадага эришсининг бош омиллари муштқам озуқа базаси яратиш, моллар зотини яхшилаш, туғдқ сонини кўпайтириш, фан ютуқ-лари, илгортлар тажрибасини амалиётда кенг қўлланш ҳамда иқтисодий ислохотларни бошқариш-бошқик амалга оширишдан иборатдир. Сўт, гўшт етиштиришни кўпайти-ришда қорамолчилик алоҳида ўрин тутайди. Ҳозирги кун-да чорвачилик янги маҳсулотининг 87 фоизини шу тар-моқ ҳисобига туғи келади. Сўнгги йилларда мажмур йўналишдаги ишларни иқтисодий таъминоти юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилди. Сўт йўналишининг қорам-олчилик асосан пахтачилик, сабазювчилик ҳўжали-қларида ривож томоқда. Вазор шароитида ер, чорва мол-ларининг ҳақиқий эгасини тикилаш, ҳўжалик юртиш ҳамда мулкчиликнинг турли шакллари қўллаш ша-рофати тўғйили муайян ютуқларга эришмапти.

Шу билан бирга зарбдор тармоқда жиддий камчилик-лар, етчимини кўтаётган муаммолар жуда кўп. Қорамолчи-лигининг ривож, олинаяган маҳсулотлар миқдори та-лаб даражасида эмас. Зотдор ситирлар етиштириш, бузоқ ва гуважикларни парвартириш технологиясига риоя этиш кўп ҳўжалиқларда қўтилгандек эмас. Республикдаги 600 дан ортқ ҳўжалиқда ҳар ситирдан соғиб олинаят-ган сўт 2 минг килограммдан камдир. Баъзан ҳўжалик-ларнинг раҳбарлари озуқа етиштиришга мустақил тар-моқ сифатида қарашмаптир.

Хўшлас, бу каби етчимини кўтаётган муаммолар жуда кўп. Республика агросноат мажмуи ходимларининг чор-вачиликни ривожлантиришга бағишланган кенгашида улар ҳақида бафуржа гап бориш шўбаэсин.

(Республика чорвачилигининг долзарб масалаларига бағишланган мақоалаларни газетанин иккинчи саҳи-фасида ўқийсиз).



СУРАТЛАРДА: Наврўз тантаналаридан лавҳалар.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ ва Р. ШАҒАЕВ олган суратлар. (Ў.А.)

Хурматли ғаллакорлар! Ғалла — риқ-рўзимиз. Биз, ўзбеклар, қадимдан но-ни эъозлаб келамиз. Кун-далик ҳаётимизни нонсиз тасаввур қила олмаймиз.

Чақалоқнинг бошига нон қўйиш, никоҳ тўйи олдидан нон сиңдириш, йигитларни армия саҳна кузатишда уларга нон қўйишларни халқ-мизнинг қадимий удуми бў-либ келмоқда. Оқсоқолла-римиз «нонинг бутун бўл-син» деб дуон фотиҳа қили-шади.

Бободоҳқиларимиз уста ғаллакор бўлишган. Улар бурдой, арпа, мош, нўхот, шол ва бошқа донли ва мойли экинлардан юқори ҳосил олиш сирларини ях-ши билишган.

Юртимизнинг иқлим ша-ронти ҳам дон экинларининг турли хилларини етишти-ришга жуда мос. Бирок ке-йинги 30—40 йиллар ичнда ғаллага эътибор сусайиб кетди. Бугунги кетдан ола-диган бўлиб қолдик. Ўзимиз-да дон экинларига ажратил-

ган майдонлар ва ҳосилдор-лик камайиб кетди. Ғалла-чиликда фан ютуқларини жорий этиш сўст олиб бо-рилди.

Аҳволни тубдан яхшилаш мақсадида Президентимиз Исроҳ Каримовнинг ташаб-буси билан ғаллачиликка эътибор кўчатирилди. Жум-хуриятимизда домини кўпай-тиришга, унинг ҳосилдорли-гини оширишга қизиқини ор-тиди. Ғалланин эса ҳўжалик-ларнинг иқтисодини яхши-лаб олишга ва бу соҳанин рентабелли тармоққа айла-нишга имкон яратди. Ғал-лакорларга кўрсатилган га-мхўрликлар, томоққа ер берилгани, чорва тўғйи кўпай-гани, хонадонимизга табиий газ, ичимлик сув келтирилга-ни учун биз, қишлоқ аҳли, шаҳсан Президентимиздан миннатдоримиз ва у киши олиб бораётган ички ва таш-қик сибатини маъқуллаймиз ҳамда қўллаб-қувватлаймиз.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси

қишлоқ ҳўжалигида иқтисо-дий ислохотларни янада чу-қурлаштириш чоралари ту-рисида»ги қарори республи-камизда ғаллани кўпайти-ришининг муҳим омили бўл-ди. Фақат шу йилнинг ўзи-даёқ суғориладиган ерлар-даги бошқоқ дон экинлари майдони 450 минг гектарга етказилди. Энди дончилик-ка бўлган муносабат яхши-ланади.

Биз кенгаш қатнашчилари жумхурият ғаллакорларига мурожаат қиламиз:

Азиз биродарлар! Ғалла-дан юқори ҳосил олиш учун кураш ғаллазорларни сифат-ли парварин қилишни талаб этади. Бунинг учун илгор тажриба ва илм-фан ютуқ-ларига амал қилган ҳолда ғалла экинларини озиклан-тириш, ўз вақтида сугориш ва бошқа агротехника гад-

бирларини қулай вақтларда ўтказайлик.

1993 йил кузида экишга белгиланган майдонлар унум-дорлигини ошириш мақсади-да «пахта-беда-ғалла» ал-машлаб экиш жадвалига ту-ла амал қилайлик. Шундаги-на ғалладан кейин экилган майдонларда пахта ҳосили юқори бўлишини унутмай-лик.

Қадрли ғаллакорлар! Ғал-лани қулай ва қисқа муддат-да экиб олишга эришайлик. Ғаллани сугориш ва озик-

лантириш бошқа экинлардан фарқ қилади. Бу соҳада ил-гор тажрибалардан кенг фой-даланайлик.

Йилга бир пайкалдан ик-ки ҳосил олиш, ғалладан кейин маккажўҳорини дон ва кўпоя етиштириш учун экиш тажрибасини кенг қўй-лайлик.

Қадимдан экиб келинган, бугунги кунда унутиб юбо-рилган мош, нўхот, эғир ва кунжут майдонларини кен-гайтирайлик. Сара уруғ — мўл ҳосил

БЕБАҲО НЕЪМАТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҒАЛЛАКОРЛАРИ КЕНГАШИ
ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ЖУМХУРИЯТ
ҒАЛЛАКОРЛАРИГА
МУРОЖААТИ

гарови. Уруғчиликка эъти-борни кўчатирайлик. Ҳар бир вилоятда 1—2 тадан элита уруғи етиштирадиган ҳўжалиқларни ташкил қи-лайлик. Уруғчиликни яхши-га сифатли тайёрлашга эришайлик. Уруғчилик ғалла-ни бошқа мақсадларга ишла-тишга йўл қўймайлик.

Хурматли селектионер олимлар!

Ғаллакорлар сиздан бу-ғунги кун талабларига жа-воб берадиган, серҳосил, юқори сифатли, бизнинг минтақамизга мос келадиган бурдойнинг қаттиқ ва кучли, арпаининг пивобоп, шолнинг қимматбаҳо, маккажўҳорининг ўртаги ва эртанишар навларини кўтайтилар. Ил-мий изланишларингизни жа-даллаштирингиз, деҳқонла-ринизнинг баракали ва са-вобли ишига кўмакдош бў-лингиз.

Қадрли шолкорлар! Ўзбекининг миллий таоми — паловдир.

Меҳмонни хонадондан ош-сиз қузатмаймиз. Шол етиштиришни кўпайтирай-лик, унинг ҳосилдорлигини 50—60 центнерга етказай-лик. Халқимиз хонадонда доим гуруч бўлишига эри-шайлик.

Азиз «каҳраб» дон бун-ёдорлар! Дала малikas бўлиш маккажўҳорини до-ли экинлар ичнда юқори ҳосилга ега. Маккажўҳорининг ҳар гектарыдан 60—70 центнердан дон олишга эри-шайлик.

Моҳир меҳанизатор ва транспортчилар! Ўрим-йи-гим, тозалаш агрегатлари доим саз бўлишига эриши-нгиз.

Ўрим-йигимни кечиктир-маслик ғаллачиликда ис-рофгарчиликнинг олдини олиш омилдир. Пешона те-

ри билан етиштирилган ҳо-сининг бир минсоқли ҳам нобуд бўлмасин.

Ғаллани қисқа муддатда ўриб-йиғиб олишининг налти-ти силларининг қўлинигизда. Ўзбекистон Республикаси деҳқончилик-саноат комп-лексининг моддий-техника-вий таъминлаш ва техника қарови давлат-кооператив кўмитаси корхоналарининг хўмилари!

Ғаллакорларни, айниқса, ўрим-йиғим даврида техни-кани эҳтиёт қисмлар ва ёнигли билан ўз вақтида, узлуksиз таъминлаб бори-нгиз.

Азиз ғаллакорлар! Мус-тақил Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаш, бойлигимиз-нинг ортини йўлида гайрат-шижоат кўрсатайлик.

Анъанави Наврўз байра-ми ўтапти. Саховатли Нав-рўз байрамнингиз муборак бўлсин.

Хирмонингизга баракка, азиз ғаллакорлар! Улкан ҳир-мони тиклашингизда сиз-ларга худо ёр бўлсин!

ДАРҒА

Эсимни танибманки, чорвадорлик касбини улуглаб келаман. Сир эмас, бозор иқтисодиёти шаронтида барча жабҳада қийинчиликлар бор. Жумладан, чорвачиликда ҳам. Халқимиз дастурхонини тўқиб қилиш бурчимиз. Элимиз тўқ бўлса, режаланган ишлар амалга ошверади. Бунинг учун биринчи навбатда виждонан меҳнат қилиш даркор.

Отам Шермурод Жўраев 40 йилдан ортиқ жамоат чорвачилигини юксалтириш йўлида тер-тўқидилар. Қўлимга чўпонлик тағини олганимда 12 ёшда эдим. Отам маслаҳатларини олиб кам бўлмадим. Нимага эришган бўлсам, барчаси падари бузуруқворим туфайли. Айни пайтда нафақада бўлишларига қарамай тез-тез отарларга чиқадилар. Маслаҳат берадилар, камчиликларни бартараф этишга кўмаклашадилар.

Қишлоқ енгил ўтмади. Шунга қарамай талафотларга йўл қўймадик. Қўй-қўзиларнинг қулиқ семиртиш кўнглидагидек, ҳар килограмм озуқанинг сарфланиши бош зоотехник Нурмаат Қаҳҳоров эътиборида. Исрофгарчиликка йўл қўйилмапти.

Қарамоғимизда 564 бош қўй-қўзи бор. Унинг 250 боши совлиқ. Айни кунларда қўзилатиш мавсуми қизгин давом этаёпти. Мақсадимиз — ҳар юз совлиқдан 103 тадан соғлом қўзи олиш. Асосий қисмини ўстиришга қолдириб, бир отардан икки отар яратиш. Ҳар қўйдан 1,5 килограммдан жун қирқиб олишни режалаштирганмиз. Бобомурод ва Жуманазар Саидовлар сингари тақрибали қўйчионларимиз эришаётган ютуқлар айниқса қувончли.

Баҳорнинг серёғин келиши биз чорвадорларга қулай шароит яратмоқда. Адирларда ўт-ўлан мўл. Бу чорва маҳсулотлари кўпайишидан далолатдир. Республикамиз Президентининг чорвадорларга кўрсатаётган ғамхўрлиги соҳанинг жадал ривожланишига таъминламоқда.

Тургун ЖўРАЕВ,

Нишон районидagi Ҳамза номли жамоа-шаркат хўжалиқ қўйчилик фермаси мудир.



ЧОРВАЧИЛИК — ҲАЁТИЙ ЗАРУР ТАРМОҚ

ЭГИЗ ҚЎЗИЛАР

Айдар ва Тузкон қўллари бўйларидagi қир-адирларга баҳор фойз бағишладилар. Фориш районидagi «Чимқўрғон» давлат хўжалиғи чўпонлари айни кунларда ерларда қўйларни яратибди. Қўзилатиш мавсуми қизгин давом эттириляпти.

— Қиш биз учун қулай келди, — дейди хўжалик ветеринария врач Молҳайдар Қорабев, — Қўй-қўзилар кечасио-кундузи яратибди боқилди. Ҳозир совлиқлардан дуркун қўзилар оляпимиз.

Бу йил совхэзининг 23 минг қўйи қўзилайди. Режа бўйича ҳар юздан 97 тадан унум олиш мўлжалланган эди. Чорвадорлар 105 тадан кам бўлмайди дейиляпти. Кенжабой Абилдаев раҳбарлик қилаётган 1-ферма чўпонлари эса 107 тадан насл олишни ният қилишган.

Мавсум чўқимиз ўтапти. Отарларга қўшимча ишчи кучлари бириктилган. Ем-хашак етарли. Шу кунгача Умрзоқ Тутқабоев бош чўпон бўлган отарда 85 совлиқдан 102 та қўзи оляпти. Мақсади 680 та қўзи олиб, унинг 600 бошини ўстиришга қолдириш. Шунингдек, ферманинг Абдумажид Тостемиров, Турсунали Ашурбеков бошлиқ отарларида ҳам қўзилатиш қизғин.

К. ЖҲРАҚУЛОВ.

СУРАТДА: (Унгдан) Молҳайдар Қорабев, Кенжабой Абилдаев ва Умрзоқ Тутқабоев дуркун қўзилар қўйлаётганлигидан мамнун.

ЯХШИ НИЯТ БИЛАН

Ҳандалақ ҳосил—пилла етиштириш соҳа кишиларидан маҳорат, масъулият талаб қилади. Айниқса ипак қурти боқиб мавсумидagi ҳар бир тадбирни ўз вақтида ўтказиш мўҳим аҳамиятга эга. Шунинг хисобига олган ўнча район кумуш тола ижодкорлари мавсумга тайёргарлик ишларига барвақт киришдилар. Пиллакорларнинг бир ҳафталик ўқувни ўтказилди. Унда пиллачилик агрономлари, бригада бошлиқлари қатнашдилар. Маҳсулотларини район бош пиллаҳонасининг етакчи мутахассислари олиб боришди. Ўтган йилги натижалар, бу йилги режалар, ипак қурти боқиб агротехникаси, тут қўчаларини етиштириш ва парваришlash, қурт уруғини жонлантириш, пилла наънини аниқлаш, қабул пунктларини мавсумга тайёрлаш, ҳосилини қабул қилиш, уни жойлаштириш, дастлабки ишлов бериш мавзуларида маърузалар ўқилди.

М. ХУСАНОВ,
пиллакор.

Қалдиғочин кўрган ўй



да дилрабо оҳанглар сарбаланд пардаларда янграйди.

Сайфулла жигари Абдулла ака қўйдан бош чўпонлик тағини 1971 йилда олди. Ўша йилги қиш қўтлмаганда қаттиқ келди. Бош чўпонлик қилган биринчи йили унга 550 бош қўзи ажратилди. Меҳнатда ва аскарликда тобланган эмасми, барча қийинчиликларни сабот билан енгди.

— Ўтган йили 460 бош қўйи боқдик, — ҳикоя қилади Сайфулла Раббимов. — Ҳар юз бошдан 96 талани қўзи олдик. Эндилкида отаримизда 443 бош она қўй бор. Совлиқларимиз қишдан тўқ ва соғлом чиқди. Умр йўлдошим Бувсороҳон, Ўғилн Отабек менга яқиндан ёрдам беришляпти. Мана бу йилнинг исми-шарифи Набижон Бобоев. Икки йилдан бери бизнинг отарда чўпонлик қилади. Барака топуғининг ишларидан кўнглимиз тўқ. Чўпонлик нони катта машаққат авазига дастурхонга тушади. Заҳмат нони ширин. Уни ҳалоллаб еган киши кундузи-кундуз, кечани-кеча демайди. Саратонга ҳам, қаҳратонга ҳам чидайди.

Чўпон отаридagi совлиқлар дуркун. Жониворларнинг ҳар бирга кунига 300 граммдан ем, дағал хашак ва беда қирқиб бериш ташкил этилган. Қўра кенг, тоза. Ташқаридаги оҳуларда юни отари она қўйлар озинлантириляпти. Атрофда қўнчоқлар, улоқчалар дириллаб ўйнайди. Демак, тўл олиш қизгин паллага кирмоқда.

Бувсороҳон тандир бошида нон ёпиш билан овора. Хонадон соҳиб бири зумда дастурхонга иссиқ нон келтирди.

— Ҳаётимиздан нолимаймиз, — дейди Бувсороҳон. — 26 йилдики, шу хонадоннинг қувончу ташвишига шерикман. Худога шукр, икки ўғил, икки қизимиз бор. Қувондиқжон — Самарқанд дорилфунунда талаба. Отабек — отасига ёрдамчи чўпон. Қизларимиз — Шаҳзода ва Шаҳнозаҳонлар мактабда ўқувчи. Оиламизда 4 бош сигир ва 25 бошдан ортиқ қўй-эчкимиз бор. Сут-қаттиқ, ёғ, гўшт ўзимиздан чиқайди.

Қўйрабат районидagi Очил Қодиров номли ижара хўжалиғининг 1-бўлимида бош чўпонларнинг шундай қўт-баракага эш 12 та хонадон бор. Қишлоқда 30 дан ортиқ хўжалик истақомат қилади. Қайси бир хонадонга кирманг, чорвачиликдан сабоқ ўрганасиз. Бу ерда Ўбайдулла Рафуров, Хайрулла Маҳмудов, Ҳамид Бобоевлар етакчи бўлган отарларда ҳам қўзилатиш мавсумига пухта ҳозирлик билан киришлямоқда. Ҳар бир отарда 450—500 бошдан она совлиқлар боқилляпти. Чорвадорларнинг нияти қўтлуғ, ҳар юз бош совлиқдан 105—110 тадан қўзи олиш ва уларнинг 65—70 фоизини ўстиришга қолдириш.

Биз яна бир чорвадор хонадонига кирдик. Уй соҳиблари — Ўбайдулла билан Ойшахон очик чехра билан қарши олишди. Кейин билдикки, оила аъзолари Сайфуллажонга жиян-қариндош. Ўбайдулла Рафуров ва унинг укалари Бобораҳим, Иброҳим, Баҳром ва отар чўпони Абдулган Ҳасаровлар бир-бирига устоз-шогирдлар экан.

Аллоҳ чўпон-қўлчиларнинг машаққатли ишларга ривож, дастурхонларига қўт-барака берсин.

Абдулла ТУРДИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг
маҳсус мухбири.

Қизилқой районидagi Ҳаким Эшонов номли давлат хўжалиғида Камолхон Комилов исмили пирю-бедават отахон истақомат қилади. У кишининг ота юрти Чорқўй вилояти. Ун уч ёшда Денов районидagi «Хазорбоғ» давлат хўжалиғига қўчиб келишган. Ўша ерда воёга етиб, ўттиз йилдан кўпроқ вақт пахтачилик, сабзавотчиликда меҳнат қилди. Олтиминчи йилларнинг охирида Шеробод даштини ўзлаштириш умум-халқ ишига айлانган кезларда қўлга олган.

У дастлаб Оқунбобоев номли давлат хўжалиғида катта бригадалардан бирига бошчилик қилди. Жамоа аъзолари пахта, галла, беда, сабзавот етиштиришди. Қўп ўтмай хўжалик ҳудудидида гўшт етиштиришга иктисослашган «СССР 50 йиллиғи» чорвачилик комплекси иш бошлади. Эл назарига тушган Ҳаким Эшонов унинг раҳбари этиб тайинланди.

Бошқа киши раҳбар бўлганда иссиқ жойимни совутмасдим, — дея эсалайди Камолхон ота. — Биз Ҳаким Эшонов билан «Хазорбоғ» давлат хўжалиғида қўп йил бирга меҳнат қилдик. У хўжаликнинг бош ҳисобити эди. Раҳматлик катта-кичикка бир-дай меҳрибон, дилиндагиди кўзаларинга қараб ўқиб оладиган, сўзиди устивор инсон эди. Шунинг учун ҳам гапини ерда қолдиришга журят этолмадим.

Хонадон соҳиб билан томоққон айланамиз. Дарвозадан кириверишда, ўнг томондаги молхонага сўқиллар боқилган. Ҳар бири камида 500—550 килограмдан тош босади.

— Ўтган йили уларнинг ҳар бирини 12 минг сўмдан ҳарид қилганимиз, — дейди отахон. — Ҳеч қачна вақт ўтгани йўқ, ҳар бири кунига бир кило уч юз граммгача семирмоқда. Бир кунда хашакдан ташқари олти килограмдан ем бераёلمиз. Яқинда бу-

ларни гўштга топширамыз, ўрнига навбат кутиб турган хўкизчалар бор.

Кўбш нурда товланиб, овқатларини чўганча ором олаётган тойлар эътиборимизни тортди. Камолхон ота хонадонидида икки бия, икки той бор. Тулпорлар тўғрисида кўп ривоятларни эшитганмиз. Айниқса Сурхондарёда тўйлар, ҳосил байрамларида го-либ чиққан чавандозларнинг мардчилиғи, маҳорати хусусида сўз кетганда, албатта, аввало тулпорларга таъриф берилади. Лекин қўшнинг майин, нурда товланиб ётган тойдаги гўзаллигини таърифлашга сўз оқизлик қилади. Тойчоққа бу қадар гўзаллик ҳаёда этган фақат табиатнинг ўзими-

литр бензиннинг нархи 40—50 сўм, бир килограмм сутнинг баҳоси эса 15 сўм. Қени энди хўжалик фермерлар билан шартнома тузасю, ҳар кунни аниқ вақтда тайёр маҳсулотни олиб кетиш ташкил қилинса. Бу муаммони ҳал этиш ҳар икки томон учун фойдали.

Ховлидаги мевали дарахтларни айтмайсизми! Бу ерда ёнғоқ, анжир, хурмо, ўрик, анор, шафтоли... Ҳаммаси ҳосилга кирган. Томорқанинг ярмига экилган бугдой майёси сўз кўзни қувнатди. Бир томонда саримсоқнинг, сабзисолғом, деганларидек ҳаммасидан бор. Не бахти ҳар бир қишлоқда яшовчининг ҳовлиси шундай бўлса, бозор шароити қийинчиликларини ҳал

этиш, эл дастурхонини турли ноз-неъматлар билан бойитиш имконини яратиларди.

Камолхон ота Комилов 1983 йилгача чорвачилик комплексида бригадига етакчилик қилди. Вилоятда биринчилардан бўлиб Ленин йўли районидида ердамчи хўжалик ташкил этди. Яширишининг ҳожа-ти йўқ, жууд қўл фойдала ташаббуслар бошланди, фақат қўллаб-қувватламасдан, амалий ёрдам кўрсатилмасдан, асосатда қўлаб кетверди. Камолхон Комиловнинг ар-дамли хўжалиғи ҳам ҳудуд шундай бўлиб қолиши ҳеч гап эмасди. Қатъиятлилиғидан, виллоят қўламада ўтказилган семинарлар орийатини, ҳайтовар, бошлаган ишқини ярим йўлда ташламади.

—Бериб бошлаган ишқининг келажик борлиғига ишоранердим, — дейди Камол ота. Хўжалик мол бермасдан қўйди. Уғил ва қизларни, келинларни ана шундай машаққатли меҳнат қилишга қўнқин-

чи йили шахсий моллар ҳисобидан давлатга 28 тонна гўшт топишди. Бизга УАЗ-469 енгил автомашинаси беришди. 1989—1991 йилларда ҳаммаси бўлиб 54,8 тонна, бўлтур эса 22,8 тонна гўшт топишди. Бир пайтлар бир килограмм тирик вазнадаги гўшт учун давлат аттиги уч сўм ҳақ тўлар эди. Бўлтур йил охирида тирик вазнадаги бир килограмм гўштининг баҳоси 68 сўмга, ҳозир 112 сўмга қўтарилди. Йил бошдаёқ шу нархда 3,5 тонна гўшт сотдик. Яна 20 бош сўқим гўштга боқилляпти.

Камолхон Комиловнинг ҳусусий фермер хўжалиғи давлат банкидаги ҳисобидида 230 минг сўм маблағи бор. Ҳ. Эшонов номли давлат хўжалиғи билан ҳар йили шартнома тузишляпти. Уларга 46 гектар ер ажратилган. Етиштирилган беда, дон, сомонини хўжаликка тўлиқ кирим қилиб, эхтиёжларига керагини арзон нархда сотиб оладилар. Ҳў-

жалик ўғит, уруғлик, техника, ёқилғидан, транспортдан ёрдам кўрсатади. Бу жиҳатлари яхши. Лекин ҳозир ҳам фермерга тўсиқ йўқ эмас. Масалан, ҳар йили 20—30 тонна гўшт топишарган фермер хўжалиғи зарур техника воситасига эга эмас. Ҳарид қилиш учун маблағи етишмайди. 1992 йилнинг августидан буйи К. Комилов техника воситалари ва мол ҳарид қилиш учун район агропромбанки раҳбарларига мурожаат қилиб, ҳатто қарзини 1993 йил январгача ўзинини айтганда ҳам маблағ беришляпти. Межорар ярим йил давом этса-да натижа бўлмайди...

Фермерларга бундай муносабат, албатта, қўнглини совтати. Ҳозир бозорда бир килограмм қоромол гўштининг баҳоси уч юз эллик, тўрт юз сўмга чикиб бораёпти. Улар эса тирик вазнада 112 сўмдан сотилмоқда. Сўқимдаги молларини қассобларга сотишса, мўймай деромад олиш мумкинлигини фермерлар ҳам билишляпти. Лекин бундай қилишмайди. Бойлик, деб бебурд бўлгилари келмайди. Камолхон ота бунни фарзандларига ҳаргал дастурхон атрофига йилишганда қайта-қайта ўқитиради. Уларнинг бири меҳаникман, иккинчиси олий маълумотли ўқитувчиман демасдан бўш вақт бўлдим, жониворлар атрофидида парвона.

— Насиб бўлса, яқинда яна бир армонини ушалади, — дея сўзининг охирида бизни навазга тўйига тақлиф этди отахон. — Йикқанимизни элга берамиз. Ҳеч қим дунёни орқалаб кетган эмас. Умархоннинг фарзандларига тўй бераёلمиз. Кўпкариси бор. Зўр томоша бўлади.

Ҳа, ҳар қимнинг топанни тўйга буюрсин!

Б. КЕНЖАБОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.



Март ойи қишлоқнинг сўнгги ва масъулиятли онлари ҳисобланади. Бу пайтда ситирлар маҳсулдорлигини туширмаслик биринчи навбатда мўл озуқа ва яхши парварошга боғлиқ. Ўтган йили Бешариқ районидagi «Ўзбекистон» жамоа хўжалиғида мўл озуқа жамагарилгани айни кунларда жу-да асқотаяпти. Икжонворларнинг қулиқ маҳсулдорлиғи юқори бўляпти.

Ситирга меҳр билан қарасангиз, вақтида етиши-

РА. АКБАРАЛИЕВ
олган сурат.

МЎЛ, АРЗОН, СИФАТЛИ

Безида тўғри гапни айтишдан истиқола қиламиз. Қишми-зидаги истак ва озуқарулик-мизин қиллардағи ашириб, қўлимиздан келадиган ишга уринишни ўзимизга эп биллаёмиз. Натижада озу-орзулиғича қўлиб кетганидан ўйиниб юрамиз. Зеро, ўзини-ўзи енга олганлар, қалб анирга қулоқ тўтиб иш кўрадиларлар, бахтиёр кишилардир. Бундай одамлар бор экан, алу-орт юки ерда қолмайди.

М. Фозилов номли жамоа хўжалиғи сут-тохар фермасининг бош зоотехниги Собиржон Шокиров ана шундай кишилардан. Унинг суғи чорвачиликда қотган. Соҳа жонкуярининг соқ-соқоли фермада оқарган, десак муболағи бўлмас. Мухаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалиғи Тошкент вилоятда ўзининг ажойиб сабзавоткорлари, соҳибкорлари, чорвадорлари билан машҳурдир. Зарбдор тармоқнинг жадал ривожланиши кўп жиҳатдан қўйидаги омилларга боғлиқ. Мустаҳкам озуқа базаси, насличлик ишлари, мутахассислар омилкорлиғи уларнинг асосийларидир. Меҳнатсеварлар озуқа майдонлари ҳосилдорлигини ошириш, иқтисодиётни мустаҳкамлаш, илгорлар тажрибасидан унум-

ли фойдаланишга эришмоқда-лар. Тажмакорликка ҳар қачонгидан катта эътибор беришмоқда. Меҳнаткашларини иккимий ҳимоялаш юзасидан қўрилётган ҳайрли ишлар кишини қўнглини кўтармоқда. — Ўтган йиллар ичида чорвачилигини ривожлантириш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилди, — дейди бош иқтисодчи Баҳодир Эгамбердиев. — Фермани меҳанизациялаш, насличлик ишлари жонлантириш, тўвқ сонини кўпайтиришда илдам қадмлар қўйилди. Шу туфайли ютуқлар чакки эмас. Ўтган йили режадаги 890 тонна ўрнига 920 тонна сут топишришга эришдик. Ҳар бир ситирдан соғиб олинган маҳсулот 3.560 килограммданга тўғри келди. Режадаги 92,2 тонна ўрнига 114 тоннага гўшт етиштирилди.

Умида Абдураҳмонова ўз қарамоғидида 16 бош соғин ситирининг ҳар биридан 8—10 килограммга етказиб сут соғиб олишга эришмоқда. Қория Шокирова, Саида Раҳмонбердиева, Мавжуда Исмоилбекова каби илгорлар ҳам юксак натижаларга эришаёттирлар. Шу ўринда Хусан Баҳромов, Ед-ғон Шомаммудов, Тоҳир Турсунов каби молбоқарлар, Мансур Рашидбеков, Аҳмаджон

Ш. ҚУЛИБОВ.

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм!
Жумлаи жаҳон мўмин-мусулмонлари учун азиз ва муқаддас бўлган саналардан бири Рамазон ойидир. Ислом таълимотига кўра, қариб ўн тўрт асрдан буйи башариятни Рушду Ҳидоят йўлига даъват этиб келадиган Қуръони карим намоиш қилган бўлган. Шу бондан ҳам Рамазон ойи муқаддас, муборак Рамазон ойида бу ойда мусулмончиликнинг асосий руқияларидан бири — рўза тутиш фарз этилган. Бу руқия ҳам, албатта, Ислом динининг бошқа асосий устулларидан бири бўлиб, шаклланиши, ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ тарихий босқичларда юзга келган.

Ислом таълимотига кўра, рўза тутиш жорий этилиши тарихига назар ташлар эканмиз, қўйилган тарихий таъкидлаш лозим: мелодий ҳисобининг 622 (ҳижрийнинг биринчи) йилида пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом Маккаи Мукаррамадан Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилганларидан бу маскан аҳолиси орасида ашуро (Мухаррам ойида ўн кун рўза тутиш) одат бўлган. Кейинчалик, аниқроғи, пайгамбаримиз Алайҳиссалом ҳижратларидан сўнг 17—18 ой ўтган, яъни 623-йилнинг октябрларида унинг ўзини рўза тутиш фарз қилиди.

Рўза тутиш катта ижтимоий ва тарихий аҳамиятга эга бўлиб, пайгамбар алайҳиссаломнинг Ҳадиси шарифларида дуси рафз этилган. Ҳадиси шарифларидан бирида — «Уч кишининг дуси рафз этилган: рўзасининг дуси, алоқатининг дуси ва ноҳақ жабр қўлган кишининг дуси», — дейилиши ҳам бу ибодатнинг нечоғли буюклигига аққол далайидир.

Маврийд келганда шунини айтиб ўтиш керакики, муборак Рамазон ойида рўза ибодатидан бошқа яна бир қанча муҳим тарихий воқеалар ҳам қайд этилади. Шулардан энг муҳими — Рамазон ойининг 27-кунига ўтар кеча — «Лайлатул қадр» (тақдир кечаси)дир. Ислом таълимоти асоси ва саҳобалар шаҳодатига, Қуръони карим айнаи шу «Лайлатул қадр» тунисида илк марта нозил бўлган. Бу ҳақда муқаддас китобда ҳам очик-ойдин баён қилинган. Бу тун йилнинг энг яхши кечасидир. «Лайлатул қадр» улуг айём сифатида алоҳида нишонланади. Муқаддас алаҳининг боиси ҳам шундадирки, Қуръони каримнинг «Ал-қадр» сурасида «Бу кечанинг фазилати минг ойдан ҳам афзалроқдир», дейилган. Рамазон ойида, шунингдек Ислом тарихида муҳим ўрин тутган воқеалар сисиласи содир бўлган. Улардан 6-рамазон — муҳаммад алайҳиссаломнинг набираси имом Хусайн туғилган кун, 10-рамазон — Мухаммад алайҳиссаломнинг биринчи завжани муҳ-

ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК!

тарамалари Ҳадича онамиз вафот этганлар. Ўн еттинчисининг тониди машҳур Бадир жанги бўлган ва ўша кун пайгамбар алайҳиссаломнинг Маккаи Мукаррамага музаффар кирган кунларини ва бошқа тарихий воқеаларни санаб ўтиш мумкин.

Ўттиз кунлик рўзанинг хотима топиши, маъна, дейлик 14 асри, бутун Ислом оламида Рамазон (бизда у Рўза ҳайити ёки йил — ал-фитр — оғиз очиш байрами) номи билан ҳам юртилади) ҳайитига боғлиқ махсус тантанали маросимлар билан нишонланади.

Рўза ҳайитининг жорий этилиши тарихи ҳақида ҳам пайгамбар алайҳиссаломнинг муборак ҳадисалари бўлиб, ватандошимиз, буюк муҳаддис олим Абу Исо ат-теримзий бу ҳақда шундай ривоят қилади: «Пайгамбар Алайҳиссалом Мадинаи Мунавварага келганларидан воқиф бўлдиларки, шаҳар аҳли (йилда) икки кун ўйин-кутил, хурсандчилик билан машғул бўлар экан. Шунда Расулulloҳ «Бу икки кунда ўйин-кутил қилишинингизнинг боиси нимада? — деб сўради. Улар: «Бу икки кунда биз жоҳилия давридан бошлаб хурсандчилик қилмаёмиз», деб жавоб қилдилар. Расулulloҳ: Аллоҳи таоло бу кунларингизни яхшироқ бошқа икки кунга — Явм ал-адҳа (қурбонлик кун) ва Явм ал-фитр (оғиз очуш кун)га алмаштирди», дедилар. Шу тарихида исломдаги икки улуг байрам — Рўза ва Қурбон ҳайитларига асос солинган ҳамда улар асрлар

оша мусулмонларнинг энг мукаррам ва муқаддас байрамлари сифатида нишонланади. Жумладан, пайгамбар Алайҳиссалом давридаёқ бу байрамларнинг оммавий ўйин-кутил, улуг шодиена билан нишонлангани ҳақида аниқ маълумотлар бор. Масалан, Расулulloҳнинг сукукли завжалари Ошма онамиз шундай деганлар: «Ҳайит кунларининг биринчи мен икки жория қизларнинг ашуаларини мароқ билан эшитиб ўтирган эдим, кутил-маганда отам Абу Бакр Сидиқ келиб қолдилар, ва бизни хурсандчиликка берилганимизни кўриб, уч марта «бу шайтон наволари-ку», — деб бизларни койий кетдилар. Шу дамида ногҳон Расулulloҳ ҳам келиб қолдилар ва отамга қараб: «Эй Абу Бакр, уларни ўз ҳолларига қўйинг, зеро, ҳар бир халқнинг ўз байрами бўлади! Бугун бизнинг байраминиздир! дея хитоб қилдилар.

Азалдан Рамазон ойида одатдагидан кўпроқ ибодатлар одат этилади. Мискин, етим-есирлар ва бечорая муҳтожларга нисбатан, фитр садақалари тарқатилиб, хайру-эҳсонлар ушлатилиб, Фитр — садақ бериш бarcha мўмин-мусулмонларга вожиб. Фитрининг Ҳайит назмигача берилишининг замирида улкан халқпарварлик гоиси — ҳайит кунидида ҳамма баробар хурсандчилик қилиб, муҳтожлик сезмаслиги мақсади мужассамдир.

Рамазон ҳайити, дўстлик, иноқлик, тинч-тотувлик, меҳр-мурувват, одамийлик,

ватанпарварлик, поклик, шукронани неъмат каби юксак инсоний фазилатлар намоён бўладиган улуг айёмдир. Бу кунларда ўзаро гина-қудуратлар унутлади, ихтилофу келишмовчиликларга барҳам берилиб, билиб-билмай қилинган гуноҳлар кечирилиб, айбдор ҳам мағфират этилади. Бу хусусда ўрн та асрда яшаган ироқлик машҳур тарихчи Ибн ал-Жавзийнинг (1116—1201) ўн килди «Ал-мунтазам» номи билан асаридида келтирилган кичик бир маълумот диққатга сазовордир. «1011 йили Рўза ҳайити арафасида улуг вазир Бағдод музофоти қамоқхоналарини назорат қилиб айланади ва муборак ҳайит муносабати билан енгил жиноят қилганларни ва тавбадорларни ҳибдан озод қилади. Бир диндордан ўн диндорча қарзи учун қамалганларни буткул озод қилиб, ундан ортин қарзи учун жаза муқддотини ўтаётган маҳбустларни эса қафилликка олиб, байрам кунларини ўз оилалари билан ўтказиб қайтишлари шарт билан уларга ҳам руҳсат беради» — деб ёзади нозиктаб муаррих.

Бутун Ислом дунёсида бўлгани сияғи Туркистон заминидида ҳам Ҳайит намозлари жамоа бўлиб ўқилади, намоздан кейин марҳумлар руҳини хотирлаб дуо-фотиҳалар қилинади. Мўмин-мусулмонлар, ота-оналари, дўсту биродарлари, қариндош-уруғларини ҳайит билан кўтлайдилар, ботобу ҳожат-майлари зийрат қилиб, кўнгалларини кўтардилар. Ота-

хону онахонлар, мўйсафидлар, яқин кишилар ва болаларга байрамона совғалар — ҳайитликлар улашиш ҳам халқимизнинг азалий улумларидандир.

Сўнгги йилларда жонажон Ўзбекистонимизда қарор топаётган ижтимоий адолат, айниқса мустақиллигимиз шарофати билан ҳаётбахш илдири узоқ ўтмишга бориб тақаладиган ибратли тарихимиз, буй маданий меросимиз, турфа хил маънавий қадриятларимиз, удумларимизни ўрганиш ва тиклаш, ушбу бебаҳо бойликлардан халқимиз баҳраманд қилишда катта ишлар амалга оширилади. Халқимизнинг кўнгал-лини хушхўд қилган бу хайит ишларининг ҳаммаси муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов сойбат-дамлик ва изчиллик билан олиб бораётган доно сийосатининг ёрқин самарасидир.

Муборак динимиз раънақи йўлидаги ижобий ўзгаришлар, диндорларга яратилган улкан имкониятлар алоҳида ҳайит муносабати билан таъкидга сазовор. Ўзидон, эътиқод эриқини қондаларининг ҳаётга тўла татбиқ қилина бориши, Президентимиз фармонлари билан Ўзбекистонимиз тарихида биринчи марта таъин байрамлар: Рўза ҳайити (Ийд ал-фитр) ва Қурбон ҳайити (Ийд ал-адҳа)ни умумхалқ байрамлари сифатида дам олиш кунини деб эълон қилиниши том матнодаги оламшумул аҳамиятга эга воқеалар бўлиб, динимиз мўмин-мусулмонлари қалбини беҳад қувончга тўлдирди. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, бу йил муборак Рўза ҳайити учинчи марта таъинланган. Бу йилги Рамазон ва Наврўз байрамлари бир-бирига улашиб кетиши алоҳида тароват ва шодиеналик касб этиб, мустақил ватанимизда бир жон, бир тан тугғуси билан яшаётган халқларининг байналмилал байрамга айланиб кетди. Муборак Рамазон байрами эзгулик ва бирдамлик, хайру барака, иқтисодий тараққиёт ва маънавий камолот сари ақл-заковат билан шахдам бораётган давлатимиз фуқароларининг кучига-қуч, ғайратига-ғайрат қўшиб, янги зафарлар бахш этишига тилқошмиш. Жумлаи мўмин-мусулмонларимизни улуг айём — Рамазон шариф билан чин юракдан муборакбод этишимиз. Шу табарруқ кунларда аллоҳим ҳаммаларимизни рушду ҳидоят нури билан баҳраманд этиб, битмас-тутамас неъмату ҳикматларидан рўз-насиб айлосин, мустақил Ўзбекистонимизнинг раънақи, порлоқ келажаги йўлидаги қутлуғ саъй-ҳаракатларимиз, солиҳ ишларимизга хайру баракотлар ато этсин!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар комитети раисининг биринчи муовини.

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг ТАРҒИБОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ



Ҳурматли Мансур Қўшбоев!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинида чиқариш фармонида мувофиқ Сизга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган



қишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвони берилгани ҳамда навқирон қишлоқ ёшининг муносабати билан чин дилдан муборакбод этишимиз. Районимиз меҳнаткашлари, қишлоқ хўжалиги ходимлари Сизни билимдон мутахассис ва жонқуяр ташкилотчи сифатида ҳурмат қиладилар. Деҳқончилик-саноат мажмуини ривожлантиришга қўшиб келадиган ҳиссангиз республика миқёсида эътироф этилганлиги барчамизни гоят мамнун қилди.

Қўп тармоқли «Халқобод» давлат хўжалиги кейинги йилларда қувончли ютуқларни қўлга киритмоқда, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб бораёпти. Буларнинг барчасида хўжалик раҳбари сифатида Сизнинг ҳиссангиз катта эканлигини ҳамма ҳис этиб турибди. Қелгусидаги ишларингизга муваффақият, узоқ умр, сиҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

Пайриқ район ҳокимлиги ва деҳқончилик-саноат уюшмаси.

ОМАД КЕЛСА, БИР ЗУМДА МИЛЛИОНЕР БЎЛАСИЗ

ҲА, АГАР ОМАД КУЛИБ БОҚСА, БИР ЛАҲЗАДА МИЛЛИОНЛАРГА ЭГА БЎЛАСИЗ! МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЛАҲЗАЛИК ЛОТЕРЕЯСИНИ СОТИБ ОЛСАНГИЗ, СИЗДА ШУНДАЙ ИМКОКИЯТ ТУҒИЛАДИ. РЕПУБЛИКАМИЗНИНГ МИНГЛАБ ФУҚАРОЛАРИ ОМАДЛАРИНИ СИНАБ КЎРИШИБ, КАТТА ЮТУҚ ЧИҚИШИГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛДИЛАР.

25 МИЛЛИОН, 15 МИЛЛИОН, 10 МИЛЛИОН, 5 МИЛЛИОН, 1 МИЛЛИОН, 500 МИНГ СЎМЛИК ВА БОШҚА ЮТУҚЛАР ЎЗ ЭҒАЛАРИНИ КЎТМОҚДА!

ҲАР БИРИНИНГ ҚИЙМАТИ 100, 200 ВА 500 СЎМЛИК БЎЛГАН ЛАҲЗАДА ҒИНАЛАДИГАН ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИ ЖАМҒАРМА БАНКИ МУАССАСАЛИДА ВА ЖАМОАТЧИ ТАРҚАТУВЛАР ТОМОНИДАН СОТИЛМОҚДА.


БИЛЕТЛАР СОТИЛАЕТГАН МУАССАСАЛАРДА ЛОТЕРЕЯ ШАРТЛАРИ ҲАҚИДА ТУЛИК МАЪЛУМОТ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН. ҚУЙИДАГИ РАҚАМЛИ ТЕЛЕФОНЛАРГА ҚУНҒИРОҚ ҚИЛСАНГИЗ ҲАМ ЛАҲЗАДА ҒИНАЛАДИГАН ЛОТЕРЕЯ ҲАҚИДА ТУШИНТИРИШ БЕРИШАДИ: 54-26-31; 33-51-95; 45-86-43.

ОМАД ЕР БЎЛСИН!

«ЭКОСАН» жамғармаси

«Восток» фирмаси

Ўзбекистон Жамғарма банки.



ЗАЁМ ОЛИНГ, ЮТҚАЗМАЙСИЗ!

30 МАРТДА ТЕРМИЗ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 12 ФОНЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМНИНГ ТЎРТИНЧИ ТИРАЖИ ЎТҚАЗИЛАДИ.

Омадингиз юришиб, катта ютуқ чиқишини тилаб қоламиз!

Тиравда қатнашини тақлиф этамиз!

Ўзбекистон Жамғарма банки.

ХЎЖАЛИКЛАР, КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА

«Шарқ» нашриёт-матбаа

концернининг реклама-ахборот агентлиги бизнинг га-зетамиз учун реклама ва шахсий эълонларни чоп этиш юзасидан буюртмалар қабул қилади.

Сизнинг реклама ва эълонларингиз бизнинг газета-миз саҳифаларида тезда бо-син чиқарилади.

«Шарқ» концерни ре-клама-ахборот агентлигининг манзили: 700000. Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй, 250-хона.

Телефонлар: 33-81-42, 56-85-67, 32-57-27, 32-56-66.

Янгийўл

ЛАЗЗАТ

қандолат ишлаб чиқариш. бирлашмаси ерёнгоқ, қанд лавлагларни чекланмаган миқдорда сотиб олиш учун 1993 йилга жамоа хўжаликлари ва лавлаги етиштирувчи тармоқлар билан ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ.

Мурожаат учун

телефон рақамларимиз:

(код 260)

7-15-07, 7-50-69, 7-50-70.

АФСОНА, РИВОЯТ, ҲИКОЯТ

СУЛАЙМОН УЗУГИ

Сулаймон пайгамбар ўзининг сехри узугини йўқотиб қўйиб, бутун давлати ҳам қўлдан кетибди. 40 кундан кейин узуги яна топилибди ва мол-дунёси яна ўзига қайтибди. Ўша кунни дунёдаги барча шоху султонлар, қуш ҳайвонлар йиғилиб унга бош эгбдилар. Бунни кўрган эронийлар «Янги кун муборак!» — дебдилар.

Шу-шу ўша кун Наврўз деб аталадиган бўлибди. Узуги топилигандан қувонган Сулаймон шомолга буюрабди, шомол уни тоқу тахти билан осмонга кўтариб олиб кетибди. Йўлда бир қалдирғоч учраб илтико қилибди: «Эй подшоҳ, уямда туҳмудларин бор эди, уларга озор берма!».

Сулаймон қалдирғоч уясини четлаб ўтибди ва бир жойга етганда ерга тугшибди. Шу пайт боғчи қалдирғоч келиб, тумшундаги сувни Сулаймонга сепибди ва чигиртанинг бир оёғини унга ҳала этибди. Шу-шу эронда Наврўз кунини бир-бирига суя сепиш ва ҳала бериш расм бўлибди.

ОЛТИН ТАХТ

Ривоят қилишларича, Ҳамшид Озарбайжонга келган, ўзига соф олтиндан тахт ясабди, уни турли қимматбаҳо тош ва жавоҳирлар билан безаттирибди. Тахт биттач, Ҳамшид унга чиқиб ўтироқчи бўлибди.

Ҳудди шу пайтда қуёш чиқиб келадиган экан. Ҳамшид тахтга ўтириши билан қуёшнинг нури тахтининг олтин жавоҳирга тугшиб

ди-ю атроф мунаввар бўлиб кетибди. Бунинг гувоҳи бўлган одамлар Ҳамшид тахтга ўтирган кунини Наврўз — Янги кун деб атай бошлабдилар.

ОЛОВ ПАЙДО БЎЛГАН КҮН

Ҳикоя қиладиларки, бир кун Ҳамшид Мозандарон ўрмонларида товушқон овллаб юрган экан, тўсатдан бир сехри илонни кўриб қолдибди. Дарров унга қамондан ўқ отди. Илон бир зумда ҳарсанг тош орқасидан қовнақ кириб гоёй бўлибди.

Ҳамшид отган ўқ эса тошга тегибди, тошдан уч-кун чиқиб кетибди. Учкунлардан бири қуруқ ҳас-хас устига тугшиб ёна бошлабди. Эронийлар ҳали олов нималигини билмас эканлар. Шу боис оловни кўриб, уни бир мўъжиза деб йўлладилар.

Сўнгра оловга сажда қила бошлабдилар. Шу-шу улар оловни муқаддас билан уни ўйнамасликка ҳаракат қиларканлар. Олов пайдо бўлган кунни эса Янги кун, яъни «Наврўз» сифатида байрам қилар эканлар.

ВАСИЯТ

Қадим замонларда бир овулда уч ака-ука яшаган экан. Каттасининг исми Қозоқ, ўртанчиси Сузоқ, кенжасиники Наврўз экан. Улар ҳалироқ меҳнат қилиб кун кечиршар экан. Аммо кенжа ука — Наврўзнинг ичига қироқ ёқса ёришмас, еган-ичгани татимас экан. Чунки акалари бола-чақали бўлиб, ўзларидан тинган, Наврўз эса умр бўйи тир-

ноққа зор бўлиб ўтаётган экан. Бир кун Наврўз оғир дардга чалинбди. Дарди кундан-кунга оғирлашиб, боши эстидан кўтарилибди қолдибди. Шунда Наврўз акаларини ёнига чақирди:

— Оғаларим, мен дунёга келиб фарзанд кўрмадим, чиннакам қувонч нималигини билмадим. Энди бу дунёдан беному нишон ўтиб кетадиганга ўхшайман. Сизлардан бир ўғлингиз бор, агар мен ўласам, ҳар йили мен бандилигини бажо келтирган кун қарбим тепасига бориб, болачақангиз билан сайил қилиб, мени йўқлаб, ҳақимга дуо қилинган, — дебди.

Орадан бир неча кун ўтиб, кўкламининг илк кунинда Наврўзнинг жони узилибди. Акалари унинг васиятига амал қилиб, ҳар йили шу кунда бола-чақалари билан мазор бошига бориб, уни елга оладиган бўлибдилар. Шу-шу Наврўз сайили келиб чиққан экан.

СУМАЛАК ҲАҚИДА

Ривоят қилишларича, қадим замонда бир қамбағал аёл яшаган экан. Унинг Ҳасан ва Хусан исмли ўғиллари бўлибди, улар жуда ёш, ҳали ишлаб пул топа олмаган эканлар. Аёлининг топган-тутгани қишга зўрға етиб, бир амаллаб кўкламак чиқиб олибдилар. Икки нора-сида гўдакнинг «нон» деб зор-зор йиғлашларига онамиз зор чндаб туролмабди. Ҳар қанча овутомасин, болалар барибир хархаша қилаверибдилар. Шунда она бечора нима қиларини билмай, ўчоқ бошига борибди-да:

— Болаларим, бирпас-

ган онаизорнинг ўзи ҳам жимжиқлиги билан қозондаги таомдан алаб кўрса, жуда ширин нарсас экан. Шунда болалари:

— Она, бу овнатингизнинг номи нима? — деб сўрабдилар. Она болаларига қараб:

— Бу малойиканларнинг қаромати билан пишган таом. Унинг оти сермалак, — дебди.

— Бу сўз кейинчалик «сумалак» бўлиб ўзгариб кетган экан.

Бир деҳқон баҳор келиши билан уруғлик донини сувга солиб ивишти қўйибди. Лекин бирдан ҳаво айнаиб, ёмғир ёға бошлабди. Бугдой ивишган идишида ниш уриб, ўса бошлабди, об-ҳаво эса ҳадеганда очилар-вермабди. Шунда деҳқон бобо бола-чақаси оқ ўтирган пайтда «дон барибир нишлаб кетди, уюл бўлмасин» деб бирон нарсани пиштирмоқчи бўлибди.

Деҳқон таваккал қилиб буй қўни қолган бугдой майсасини қиймалабди-да, кампирга бериб, бундан бир нима пишир, дебди.

Кампир қиймани қозонга солиб пишираверибди. Охири қайнатилган чарчаб, қозоннинг қопқоғини беритибди, уйқуга кетибди. Азонда уйқуси қочиб, қозондан хабар олгани бора, димоғига жула хушбўй ҳид урилди. Қопқоғини очиб, қозондаги таомни татиб кўрса, жуда ҳам мазали эмиш. У деҳқоннинг оиласига жула ҳам ёқибди. Шундай хушбўй, ширин ва тўйимли эканки, асти қўйяверасиз.

Келаси баҳорда деҳқоннинг болалари яна ўша таомдан етдилар келибди. Шу тарихида сумалак пишириш одати айланибди.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўз-плодоовшчинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

Бош муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

Рўзнома таҳрири ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ГОҒОЗОВ, [масъул котиб], Н. ОРИФЖОНОВ, К. РИХСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Мухаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51, 33-54-33. Қайта ишлаш саноати бўлими — 32-56-31. Советлар ва ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими — 32-56-22. Мелiorация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-54-33. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безаткиш бўлими — 32-58-79.